

МЕЪМОРИЙ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСРАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

СамДАҚИ магистрантлари Валиев Ҳ.Ш., Жонузакова Г.А.

Аждодларимиз томонидан қурилган тарихий ёдгорликлар қандай қурилганлиги ҳақида маълумотлар жуда кам. Шу сабабли бизлар тарихий обидаларни “ўзини гапиришга” мажбур қилиб у ҳақида маълумотлар йиғишимиз керак. Бизга маълумки ўша даврда олимлар тарихий обидалар қурилиши усуллари ошкор қилмаган, меъморлар ишларини аниқлаш керак. Шу сабаб олимлар ва мутахассислар томонидан тарихий обидаларни қурилиши ўлчов ишларида нималарга риоя қилинганлигини аниқлаш керак. Тарихий обидалар қурилишида қўлналилган ўлчамларни текшириб таққослаб аниқлаш лозим. Тарихий обидаларни қурган меъморлар, усталар қайси геометрик шаклга, қайси қонунларга риоя қилганлар?

Ўрта асрда олимлар ва уламолар архитектуравий иншоотларни чизишда ва қуришда Эвклид геометриясидан, Архимедни, Филонни, Геронни ва Абу Райхон Берунийларнинг илмий-тадқиқот ишларидан фойдаланган бўлсалар, ҳозирги қурилиш архитектураси, қурилиш механикаси, молекуляр физикаси, материаллар қаршилиги теориялари, назарий муаммоларни ҳал қилишда электрон ҳисоблаш техникасидан, фотограмметрия ва геодезиядан фойдаланмоқдалар.

Рационал тектоник структурасини ва архитектуравий формаларни аниқлашда ҳозирги замонда электрон оптик асбоб ва ускуналардан фойдаланиш керак бўлаяпти. Меъморий тарихий обидаларнинг элементларини пропорциялари архитектор реставраторлар ва тарихчиларни қизиқтираяпти. Бу масала бўйича кўп архитектор-реставраторлар қурилган иншоотларни реставрация ишлари, иншоотни бузилган жойларини тиклаш масалалари билан шуғулланмоқдалар. Ҳозир бу ишларга инженер-геодезистларни жалб қилиш лозим, чунки ҳозирги замон электрон геодезик асбоблар ёрдамида биз, қўшимча равишда тарихий ёдгорликлар тўғрисида маълумотларни олишга эга бўламиз.

V-X аср аввал қурилган архитектуравий иншоотлар қурилган вақтидаги ўлчамлари, ташқи ва ички деформациялари, ҳажмларини ўзгартирганлигини ва ҳоказоларни инобатга олган ҳолда, архивда келтирилган материалларга тўғри келмаслиги мумкин.

Иссиқда ғишт деворлар 50°-60°с гача қизишади, шу сабабли ғиштлар орасидаги қоришмалар бузилади, бунга товуш ва шовқинларни ҳам таъсири бор. Архитектуравий иншоотларни ичида ҳаво температураси 16°дан 22°гача ўзгаради. Шу сабабли иншоотларда ғишт ва тошлардан ҳосил бўлган конструкциялари кўндаланг ва вертикал ёриқлар пайдо қилади, бундай жараёнларни олдиндан аниқлаш ва олдини олиш мақсадида тарихий обидаларда мунтазам геодезик кузатув ишларини олиб бориш зарурияти пайдо бўлаяпти. Мутасадди ташкилотлар томонидан меъморий обидаларни таъмирлаш, уларни келгусида сақлаш ва қайта тиклаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бунга мисол тариқасида кўҳна ва навқирон Самарқанд

шаҳримизнинг эски шаҳар қисмининг тубдан ўзгартирилиши, шу жумладан, Шоҳизинда меъморий мажмуасининг қайта тикланишини ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Меъморий обидаларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва бошқа ободонлаштириш ишлари фақат Самарқанд шаҳридагина эмас, балки Республикамизнинг вилоят ва туманларида ҳам кенг кўламда бажарилмоқда. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 6 та давлат музейи, 4 та халқ музейи, 30 та жамоатчилик музейи ва 50 тадан ортиқ мактаб музейлари, 2400 тадан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлиб, шулардан 1500 таси археологик, 819 таси меъморий ҳамда 80 таси монументал обидалардан иборат. Меъморий обидаларнинг чўкиши, оғиши, буралиши, силжиши ва бошқа турдаги деформацияларини кузатиш ишлари мутахассисларнинг олдида турган энг маъсулиятли ишлардан ҳисобланади. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, ушбу кузатиш натижаларидан оқилона фойдаланиш улкан самара беради; меъморий обидаларнинг емирилиши, шикастланишининг олдини олади ва уларнинг бевақт ишдан чиқишига йўл қўймайди. Таъмирлашнинг асосий тамойилларини иншоотларнинг дастлабки кўринишини сақлаб қолиш деб ҳисоблаш мумкин. Бунда таъмирлаш чизмасини зарурий аниқликда чизиш муаммоси, яъни меъморий обидани съёмка қилишнинг меъёрий ва чегаравий бузилишини аниқлаш масаласи пайдо бўлади.

Замонавий геодезия фанини мамлакат мудроофаси ва халқ хўжалигидаги кенг миқёсдаги илмий муаммоларни ечишда, турли геодезик ўлчашларни амалга оширишда кенг қўлланиладиган замонавий электрон ва автоматлаштирилган геодезик асбобларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бизнинг унутилмас меросимиз бўлмиш бу обидаларга янада кўпроқ этиборда бўлишимиз ва келажакда янада кўпроқ ишларни амалга оширишимиз кераклигини ёдда тутишимиз лозим.